

Маданиятлар тўқнашуви ва ислом

19:53 / 19.04.2017 4214

Глобализация жараёни бутун инсониятга ижобий ҳодисалар олиб келиши билан бирга ўзининг салбий қирраларини ҳам намоён қилаётгани кўп таъкидланмоқда. Умуман олганда, бу жараён кеча ёки бундан ўн йил аввал бошлангани йўқ, балки инсониятнинг узоқ ўтмишига бориб тақалади. Кунимизда дунёнинг турли четларига Ислом динига эътиқод қилувчи мусулмонларнинг ёйилиб кетиши ҳам бевосита ушбу жараён самараси ҳисобланади. Аллоҳнинг инсонларга юборган ҳақ дини бўлмиш Ислом тезлик билан бутун оламга тарқалди ва глобализация жараёнини ёрқин намунасига айланди. Исломнинг глобализация жараёни ёрдамида дин сифатида тарқалиши кўпроқ бугинги кунимизга ва йиллар давомида ислом динини тушуниб қабул қилган шахслар билан боғлиқ. Ислом ўз зуҳурининг дастлабки йилларида глобализация жараёнини кутиб ўтирмади, балки ҳидоят байроғи остида амалга оширилган фатҳ юришлари билан ҳаракатланди. Исломнинг глобализацияси кўпроқ бугунги кунимизга хос. Ўтмишда мусулмонлар яшаган диёрлар "Дор ул-Ислом" деб номланар, ислом динига эътиқод қилмайдиған дин вакиллари истиқомат қиладиган ҳудудлар еса "Дору-ҳарб" деб аталар эди. Мусулмонлар жамоаси асосан ўз диёрларида истиқомат қилишар, фақат тижорат ёки илмий мақсадлардагина "Дор ул-ҳарб"га сафар қилишар эди. Ўзга дин вакиллари ҳам ҳудди шундай. Улар ҳам зарурат бўлмаса "Дор ул-Ислом" диёрларига келишмас эди. Ўрта аср шароитида дурли дин, миллат, ирқ вакилларининг интеграциялашув жараёни, ишчилар миграцияси ва ахборот алмашинуви бугунгига қараганда жуда паст бўлган. Юқоридаги тушунчалар, асосан, капиталистик муносабатларни ривожланиши ҳамда уларнинг "чегара билмас" ҳаракати билан боғлиқ.

Глобализация жараёнлари ўсиб бориши билан фанга "динлараро мулоқот", "динлар тўқнашуви", "маданиятлар кураши", "демократия экспорти" каби тушунчалар кириб келди. Булар ичида айниқса "динлар тўқнашуви" тушунчаси муҳим бўлиб, қуйида бу мавзуда келтирилган ғарб олимларининг қарашлари ҳамда ислом таълимотининг бу борада инсониятга тақдим етган ҳақиқатларини таҳлил қиламиз.

Маданиятлар тўқнашуви концепцияси ижодкорларидан бири бўлмиш машҳур америкалик социолог Самуел Хантингтон ўзининг "Маданиятлар

тўқнашуви" (The clash of civilizations) асарида мазкур муаммони социологик таҳлил қилади. Унинг фикрича инсоният тарихида бугунгача кечган урушларни қуйидагича тасниф қилса бўлади:

- Вестфалия сулҳидан кейинги барча урушлар ва низолар подшоҳлар манфаъти билан боғлиқ эди. Уларнинг урушишдан мақсади ўз ерини кенгайтириш, хазинасини бойитиш ёхуд мағлуб мамлакатни ўзига тобеъ қилишга қаратилган эди.

- 1893-йилги Франсуз инқилобидан кейин урушлар миллатлар манфаъти ўртасида кечадиган бўлди. Р.Р Палмернинг ифодаси билан айтганда "қироллар ўртасидаги уруш тугади ва энди халқлар ўртасида уруш бошланди" воқеъаси содир бўлди. Эндиги урушлар миллат, халқ манфаъти даражасига кўтарилди.

- Юқоридаги ҳолат 19-аср давомида сақланиб қолди. Бунга биринчи жаҳон уруши барҳам берди. Кейинчалик, рус инқилоби "Мафкуралар ўртасидаги кураш" тушунчаси билан халқлар ўртасидаги кураш тушунчасини сиқиб чиқарди.

- 20-асрнинг бошларида бу ғоявий курашларнинг асосий томонлари коммунизм, фашизм ва капитализм эди. Иккинчи жаҳон уруши ўртадан фашизмни чиқариб юборди ва натижада коммунизм ва капитализм фронтлари қолди. Бутун 20-аср давомида "икки қутб" остида уларнинг адовати сақланиб келди ва бу қарамақаршилиқ фақатгина СССРнинг қулаши билангина барҳам топди.

С.Хантингтоннинг наздида эндиги низолар ҳазоралар ва уларнинг асосини ташкил қилувчи динлар ўртасида бўлиши кутилмоқда. У ўзининг бундай қаршаларини қуйидагича исботлайди: "Келажакнинг енг аҳамиятли низолари маданиятар ўртасидаги бўлиниш чизиқларида рўй беради. Нимага ?

Биринчидан, олам борган сари торайиб бормоқда. Турли ҳазорали халқларнинг ўзаро алоқалари кучайиб бормоқда. Бу ҳазоравий ўзликни англашнинг кучайиши ва ҳазоралар ўртасидаги фарқликларни тушунишнинг чуқурлашувига олиб келади.

Иккинчидан, бутун дунё бўйлаб давом этаётган иқтисодий модернизация ва ижтимоий ўзгаришлар инсонларни ўз яшаш жойларидан (она ватан)маҳрум этмоқда ҳамда асосий ўзликни белгилаш мезони (идентификация) ҳисобланмиш миллий-давлатнинг рўлини

кучсизлантирмоқда. Натижада бу бўшлиқларнинг асосий қисми фундаменталистик ҳаракатлар шаклида дин билан тўлдирилмоқда. Диннинг ренесанси ёки Ж. Кепеля ифодаси билан айтганда "Худо реванши" ҳодисаси идентификация учун асослар яратмоқда.

Учунчидан, ҳазоравий ўзликни англашнинг ўсиши ғарб рўлининг кучсизланиши билан тушунтирилмоқда. Бир томондан ғарб ўзининг қудрати чўққисида турибди, бошқа томондан еса ноғарбий ҳазоралар ўртасида асл илдизга қайтиш жараёни кетмоқда. Кунимизда Япониянинг "Осиёга қайтиши", Неру ғоялари таъсири ниҳояси ва "Ҳиндуизация", Яқин шарқ "Реисломизация" сига нисбатан ғарб мамлакатларининг социализм ва национализм ғояларининг барбод бўлгани ёхуд Борис Йелсин давлатининг ғарблаштириш ёки руслаштириш ҳақидаги мунозараларни кўп ешитишга тўғри келмоқда.

Тўртинчидан, маданий хусусиятлар ва фарқликлар иқтисодий ва ижтимоий хусусиятлар ва фарқликларга қараганда ўзгариши қийин феномен. Собиқ Иттифоқда коммунистлар демократ бўлиши мумкин, бойлар камбағалга, камбағаллар еса бойга айланиши ҳам мумкин, лекин руслар чин дилдан ҳоҳласалар ҳам естониялик, озарбайжонлар еса арман бўла олмайди.

Классик низоларда одатда "Ким томондасан?" деган савол қўйиларди ва инсон еса қайси томонда еканлигини танлаш ва ҳатто уни ўзгартира ҳам олар эди. Ҳазоралар тўқнашувида еса "СЕН КИМСАН?" деган савол қўйилади. Бу юқоридаги инъом етилган нарса ўзгармаслиги ҳақида гап бормоқда. Биз бунинг жавоби Босния, Кавказ ва Суданда қандай "янграганини" кўрдик. Дин етник тегишлиликдан кўра инсонларни янада кўпроқ бўлиб юборади. Инсон ярим-франсуз ва ярим-араб ёхуд икки мамлакат фуқороси бўлиши мумкин, лекин ярим-католик ёки ярим-муслмон бўлишнинг имкони борми?".

Юқорида С.Ҳантингтоннинг ҳазоралар тўқнашуви ҳақидаги қарашлари ҳамда унинг асосий омиллари нимада еканлигин билиб олдик. Лекин бир савол туғилади, "Ислом таълимоти бунга қандай жавоб беради? Ҳақиқатда ҳазорлар тўқнашуви ҳақиқатми? Бу ҳолда ислом таълимоти қандай йўл тутуди?". Қуйида камина мазкур саволларга баҳоли қудрат жавоб беришга уруниб кўради.

Ислом тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у ўзининг шонли тарихи давомида турли динлар ва ҳазорлар билан кўп мулоқотга чиқди. Хусусан,

буларнинг дебочаси Расулуллоҳ(с.а.в) даврларига бориб тақалади. Расулуллоҳ "Аллоҳ рисолати" билан Мадинага ҳижрат қилган пайтларида қуйидаги дин ва ҳазора вакилларига дуч келдилар:

- Биринчиси, яҳудийлар бўлиб, улар ўз дини ва маданиятига егалик қилар ҳамда уни арабларникидан устун қўяр эди.
- Иккинчиси, насронийлар. Булар гарчанд Мадинада озчиликни ташкил этсада, ўзининг муқаддас китоби ва маданиятига ега эди.
- Учинчиси, аъробийлар. Булар асосан Мадинаинг атрофидаги чўл-сахроларда истиқомат қилар, мадиналик аҳоли уларни маданиятдан йироқ деб билар эди.

Расулуллоҳ(с.а.в) Мадинага келишлари ҳамон улар билан мулоқотга киришдилар. Динлар турли бўлсада яҳудий қабилалари билан ўзаро ҳуқуқ - мажбуриятларини белгилаш мақсадида машҳур "Мадина конституцияси" номли келишув имзоладилар. Бу келишув натижасида яҳудий қабилалари ўзларининг дин ва виждон ҳурриятлари ҳамда моллари, жонлари, шаън ва қадр-қимматлари дахлсизлигини қўлга киритдилар. Дунёнинг уч буюк динлари Яҳудийлик, Насронийлик ва Ислом бир кичик шаҳарда бирлашдилар ва турли дин ва ҳазора вакиллари биргаликда тинч-тотув яшашларининг ўчмас намунасига айландилар. Агар яҳудийлар томонидан мазкур шартнома шартлари бузилиб ўртага хиёнат чиқмаганда эди бу динлараро мулоқот яна анча муддат давом етган бўлур эди.

Бундан ташқари Расулуллоҳ ҳаётларида яна кўп ҳодисалар борки, турли динлар ва маданиятлар нафақат улкан қитъаларга балки писта пўчоғичалик жойга ҳам сиғишига далолат қилади.

Ислом таълимоти инсоният тарихида динлар ўртасидаги мулоқотнинг янги, то Қиёматгача давом этадиган кўринишини бошлаб берди. Қуръони каримнинг турли сураларида Аллоҳ(ж.ж) инсонларни ўзаро ҳамкорлик ва иттифоқга чақиради. Оятларнинг бирида Аллоҳ(ж.ж) яҳудий, насроний ва охирида ислом дини вакиллари ҳақида сўз юрутиб уларнинг барчасига қуйидаги маънода хитоб қилади:

"Яхшиликларга шошилинг! Аллоҳ Қиёмат куни сизлар ихтилоф қилган нарсалар ҳақида ўз ҳақ хабарини беради". Демак, динлараро мулоқотнинг асосий шиори бу "Езгуликларга шошилиш". Ҳар бир инсон, ҳоҳ у яҳудий

бўлсин, ҳоҳ насроний ва ҳоҳ муслмон мақсади битта у ҳам бўлса езгулик қилиш ва Аллоҳга исён қилмаслик .

Қуръони карим бошқа дунёвий концепцияларда учрамайдиган алоҳида ғоя, "Инсоният бир ота-она фарзанди"ғоясига янада куч берди. Хусусан, Ҳужурот сурасида бу қуйидагича баён қилинади:

"Эй инсонлар, биз сизларни бир еркак ва бир аёлдан яратдик ва сизларни ўзаро бир-бирингизни танишлигингиз учун халқлар ва қабилалар қилдик. Албатта Аллоҳнинг ҳузурида енг ҳурматлийингиз тақводорингиздир."

Бу ерда Аллоҳ(ж.ж) улкан ҳақиқатни, яъни инсоният асли бир еканлигини баён қилмоқда. Қолаверса яна муҳим бир тушунча, инсоннинг кадр-қиймати унинг ички дунёси билан ўлчанишлигини баён қилмоқда. Биз биламизки, тарихда ҳам, ҳозирда ҳам ирқ, тил, миллат, дин ва маданият каби жузъий омиллар борки, улар ўртасидаги тафовут инсониятни қонли уруш ва низоларга олиб келган ва келмоқда. С.Ҳантингтон ҳам ҳудди шу даъвода. Лекин, Ислом буларнинг барчасини аҳамиятини синдириб, фақат тақводор инсонгина "приоритет"га ега еканлигини таъкидламоқда. Расулulloҳнинг тенглик тамойилига шиор бўлган "Кимсанинг кимсадан устинлиги йўқ, фақат тақво билан "деган сўзлари юқоридаги низо омилларини йўққа чиқармоқда.

Расулulloҳ ҳам ўз ҳадисларида бу олий ҳақиқатни жуда кўп такрорлайдилар. Хусусан, "Видолашув хутбасида" ҳам буни алоҳида таъкидалб ўтадилар яъни "барчангиз Одам(а.с)дансиз,Одам(а.с)еса тупроқдандир". Бир ота-онанинг фарзандлари қандай қилиб "маданиятлар тўқнашувини"содир етиши мумкин. Гарчанд, С.Ҳантингтон бунинг ортида оддий маданиятлар интерграциясини тушунтирсада, охир-оқибат улар ўртасидаги ҳазоравий муросазизликни инкор етмайди.

Ислом таълимоти инсон фитрати, аниқроғи табиий ҳуқуқга зид келмайдиган ҳодисаларни қабул қилишни инкор етмайди. У ҳоҳ фанда бўлсин, ҳоҳ маданиятда бўлсин, Бани одам саодатига хизмат қилса бас. Аллоҳнинг "ўзаро бир-бирингиз билан танишишингиз учун" маъносидаги каломи жуда чуқур маънога ега бўлиб инсонларнинг маданий, илмий-маърифий, иқтисодий, сиёсий, фан, санъат, спорт ва яна бошқа кўплаб инсониятнинг моддий ва маънавий тараққиётига сабаб бўладиган соҳаларда ўзаро ҳамкорликлар қилиш орқали бир-бирларини танишликлари ва асосийси, мулоқотга киришишларини англамоқда.

Аллоҳ "ўзаро низолар қилшингиз учун" ёхуд "ўзаро мурасасизлик қилишингиз учун" дегани йўқ, балки "ўзаро бир-бирларингизни танишингиз учун" демоқда.

Ислом тараққиётининг кейинги босқичларида ҳам саҳобалар, тобеинлар ва бутун салафлар ўзга дин ва маданият вакиллари билан мулоқотда юқоридаги "пўлат қонун" доирасидан четга чиқмадилар. Уларга ислом халифалигида алоҳида ҳуқуқий статус "зиммийлар" мақоми берилиб ислом давлати соясида барча ҳуқуқ ва эркинликларини сақлаган ҳолда яшаб келдилар. Умар(р.а)нинг насроний руҳонийга таъзим қилгани ёки насрония аёл ўз уйи ўрнига масжид қурдиртиргани учун Миср волийси Амр бн Осс(р.а) устидан Умар(р.а)га қилган шикоят ва гарчанд, уй пулини ортиғи билан қайтариш имконияти бўлсада Умар(р.а)нинг янги масжидни бузиб насрония аёлнинг уйини қайтариб беришни буюргани ва ҳоказо фактлар борки, ислом таълимотининг динлараро мулоқот аренасида қанчалик фаол еканлигини кўрсатади. Қолаверса, кунимизда Миср, Иордания, Ливан ва Сурия каби ислом мамлакатларида миллионлаб ўзга дин вакилларининг ўз динларини сақлаб келишлари бу мулоқот қанчалар самара бергани ва бераётганлигини англатади. Шунингдек, Бобурийлар бутун ҳокимят ўз қўлларида бўлиб Ҳиндистонни салкам тўрт аср идора етган бўлсаларда, аҳоли ўз маданияти ва динини қандай бўлса шундайлигича сақлаб қолди. Агар, маданий ёхуд диний тўқнашув концепцияси заррача бўлсада ислом таълимотига мувофиқ келганида эди, биз юқоридаги тарихий воқеъликларнинг аксини кўрган бўлур эдик.

Бунга ўхшаш далиллар тарих саҳифаларида кўп топилади, лекин бизнинг мақсадимиз уларни барчасини келтириб, мазкур концепцияни бутун борлигича анализ-синтез қилиш эмас, балки Ислом таълимотининг бу борада тақдим етган ғоялари ва уларни амалиётда рўёбга чиқара олганлигини кўрсатиш эди холос. Шу сабабдан, сўзимиз мухтасар бўлсин учун аксар шаръий ва тарихий далиллардан чекинилди.

Ойбек Қамбаров